

---

Бугун, 12 май - Халқаро ҳамширалар куни!

Ҳар йили 12 май – Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда муносиб нишонланиб, ҳамшираларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида 2 минг нафардан зиёд ана шундай ўрта бўғин мутахассислар эл соғлиғини асраш йўлида шифокорлар билан бир сафда фаолият олиб бормоқдалар.

Туман ҳокимлиги туманимиздаги барча ҳамшираларни бугунги касб байрами билан самимий муборакбод этади.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли ва шарафли ишларингизда омад тилаймиз !

2023-05-12 09:16:48